БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 80 (1342)
22 АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Бугун Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг доно йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган кунга 89 йил тўлади.

Ленинизмнинг улуғ ва ғолиб байроғи остида, Коммунистик партия етакчилигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Ленинизм—миллионларнинг кураш байроғи

Совет халқи билан биргаликда улуғ социализм лагери мамлакатларининг меҳнаткашлари, жаҳон пролетариати бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 89 йиллигини зўр тантана билан нишонламоқдалар.

Владимир Ильич Ленининг номи ҳар бир совет киши учун, жаҳон пролетариати учун энг азиз ва меҳрибондир. Чунки Ленин ўзининг бутун ҳаётини, кучини, ақл-заковатини инсониятнинг бахт-саодати учун, коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун курашга бағишлади.

В. И. Ленин ижодий марксизмнинг буюк намояндасидир. У, марксизмни янги шароитга нисбатан, империализм ва пролетар революцияси даври шароитига нисбатан ижодий равишда ривожлантириб, буюк интернационал таълимот бўлган, миллионларнинг кураш байроғига айланиб қолган ленинизмни яратди.

Владимир Ильич марксизмнинг ишчилар синфи сиёсий партияси ҳақидаги таълимотини янги шароитга нисбатан ижодий ривожлантириб, пролетариатнинг революцион партияси ҳақида яхлит ва мукаммал таълимот яратди, унинг назарий, сиёсий, тактик ва ташкилий асосларини ишлаб чиқди. Ленин тузган «революционерлар партияси» — Коммунистик партия оммaнинг революцион курашига бош бўлиб, 1917 йил октябрида Россияда помешчик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлади, эксплуатация ва миллий зулмни тугатди, СССРда социализмнинг узил-кесил ғалабасини таъминлади. Коммунистик партия энди КПСС XXI съезди қарорлари асосида совет халқини коммунизм ғалабаси сари бошлаб бормоқда.

Коммунистик партиянинг кучи— унинг марксизм-ленинизмга содиқлигида, бирлигидадир. Партия буржуазия идеологиясига қарши, халқаро реакцияга, ревизионизмга қарши курашда чиниқди, мустаҳкамланди, ўз сафларининг монолит бирлигини сақлаб қолди. Коммунистик партиянинг ленинча бирлиги ишчилар синфи душманларига — халқаро реакцияга, ўнг социалистларга, ревизионистларга ва бошқаларга қарши курашда қардош коммунистик ва ишчи партиялари куч-қудратининг гаровидир.

Улуғ Ленин Коммунистик партиянинг кучи — халқ оммасида, қайнаб турган халқ ижодиёти булоғидан ҳамиша баҳраманд бўлган, халққа таянган, халққа ўргатибгина қолмасдан, халқнинг ақл ва заковатидан ўрганадиган партия енгилмас бўлади, деб таълим беради. Партия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ўзининг бутун фаолиятида халққа таяниб иш кўрди, оммaнинг битмас-туганмас ижодий куч ва ғайратини коммунистик қурилиш вазифаларига сафарбар қилди. Коммунистик партиямиз амалга оширган бирорта тадбир, чора йўққи, уни халқ билан маслаҳатлашмаган, халқ фикрини олмаган бўлсин!

Кейинги вақтларда партиямиз амалга оширган бирданча тадбирлар: саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил этиш, МТСларни қайта қуриш ва колхоз тузумини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини яна ҳам юксалтириш, мактабни ҳаёт билан яқинлаштириш ҳамда халқ маорифи системасини қайта қуриш ва бошқа тадбирлар ҳаммаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. КПСС XXI съезди томонидан қабул қилинган, мамлакатимизда коммунизм қурилишини кенг авж олдириш программаси бўлган етти йиллик план ҳам меҳнаткашлар оммаси томонидан кенг муҳокама қилинди. Бу шуни кўрсатадики, Коммунистик партия ўз фаолиятида партия билан халқ бирлигини ҳамиша кўзқорачиғидек сақлаш тўғрисидаги ленинча кўрсатмага амал қилиб келди ва келмоқда, шу сабабли ҳам у буюк муваффақиятларга эришмоқда, халқ ўртасида обрў ва эътибори ошмоқда.

Владимир Ильич Ленин иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган Россияни илғор, қудратли социалистик Россияга айлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган буюк программасини ишлаб чиқди. Ленининг машҳур социализм қуриш плани мамлакатни индустриялашни, халқ хўжалигимизни электрлаштиришни, қишлоқ хўжалигини коллективлашни, маданий революция қилишни кўзда тутарди. Коммунистик партия ленинизмнинг ғолиб байроғини баланд кўтариб, улуғ йўлбошчимиз васиятларини амалга оширди. Ҳозирги вақтда бизнинг улуғ Советлар мамлакатимиз ленинизм ғояларининг буюк мужассами сифатида биринчи даражали индустриал, коллективлашган, қишлоқ хўжалиги юксак техника базасида мустаҳкамланган, фан ва маданияти бениҳоя тараққий этган қудратли социалистик давлатга айланди. Совет Иттифоқи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Ленин миллатларнинг тўлиқ, ҳақиқий тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш, миллий масала юзасидан моҳирона сиёсат юргизиш, турли миллатларнинг хусусиятларига ва манфаатларига эътибор билан қараш, халқларнинг жипслашуви ва қардошларча дўстлигининг зарур шарти сифатида ҳар бир республиканинг суверенитетини мустаҳкамлаш зарур эканлигини таъкидлаб кўрсатган эди.

Коммунистик партия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, иттифоқчи республикалар экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш юзасидан бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширди. Иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

КПСС XXI съезди миллий республикалар экономикаси ва маданиятини яна ҳам юксалтиришнинг кенг истиқболларини белгилади. Съезд қабул қилган етти йиллик план — ленинча миллий сиёсатнинг ифодаси. Унда СССРдаги барча миллат ва халқларнинг яқин коммунистик истиқболи ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ССР саноати 1965 йилга борганда 1958 йилдагидан 1,8 баравардан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаради. Етти йилликнинг охирида пахта етиштириш 3 миллион 800 минг тоннага етказилиши кўзда тутилади. Фан, маданият бениҳоя тез юксалади.

Ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб натижалари, миллий сиёсатнинг ажойиб самараси бўлган етти йиллик план мазлум халқларга эксплуатация ва зулмдан фақат социалистик система туфайлигина, эзувчи синфларни, хусусий мулкни йўқ қилиш билангина қутулиш мумкинлигини ёрқин кўрсатиб беради. Халқ жамиятда ўзи яратаётган модий бойликларнинг хўжайини бўлиб олгандагина бахтли фаровон ҳаётга эришиши мумкин.

Ленинизм миллион-миллион меҳнаткашларнинг онгида, маънавий ҳаётида яшамоқда ва тантана қилмоқда.

Ленинизм СССРда кенг авж олиб кетган коммунистик қурилиш ишларида, социализм йўлидан муваффақиятли равишда бораётган улуғ Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатлари ишларида, тобора мустаҳкамланиб, қудратли кучга айланиб бораётган тинчлик, демократия ва социализм кучларининг буюк муваффақиятларида яшамоқда ва тантана қилмоқда.

Владимир Ильич Ленин. П. Оцуп фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

Мен, Ленинни кўрганларни кўрганман!

Мен Ленинни кўрганларни
кўрганман.
Ва уларга боқиб хаёл
сурганман.
Мен танийман нуроний
бир аёлни,
У кўришган Ленин билан
бир чоқлар,
Уни кўрсам бутун
эс-у, хаёлни
Инқилобнинг шеърияти
қучоқлар.
Сиққанимда унинг
ариқ қўлини
Гўё оқар томиримга
бир даврон.
Ленин қўлин тутган экан...
мен уни —
Олиб ўпсам юрагимда
ҳаяжон.
Бир мўйсафид партизанни
танийман,
Кўрган экан Ленинни
у яқиндан.
Манглайида ажинларин
санайман,
Ҳар бирида кураш йўли
бор чиндан.
Боққанимда унга гўё
юраман
Октябрнинг кунларида
шаҳ илан.
Оҳ, Ленинни кўрган
азиз инсонлар!
Сизга ўтган ўлмас зотдан
бир қадар.
Ўлмаслиннинг хислати
нур зарралар,
Нур олгандек қуёшдан
сайёралар.
Ленин турган шаҳарларда
юрганман,
Босиб чиқдим у чиққан
зиналардан
Китобларин ўқиб маъно
терганман —
Ҳикматларга тўлган
хазиналардан.
Мен кўрганман Ленининг
қаламини,
Бир қаламки, ёзган сўзи
дилларда,
Олға қараб бораётган элларда...
У сўз янчар истибдод оламини.
У қаламни кўрдим
кабинетида,
Аммо қўлим тегизмадим..,
ҳурматан...
Чунки, фақат даҳонинг
хизматида
Уша қалам кашфларга
бермиш тан.
Мен, Ленинни кўрганларни
кўрганман,
Мен, Ленинга гувоҳ бўлган
ҳамнафас
Буюмларнинг қуршовида
юрганман.
Бу саодат умр бўйи
менга бас!
Аммо чопқир ҳафталарнинг
ҳар куни,
Бажарилган планларнинг
якуни,
Қурилғуси бинолар
вазифаси,
Ёзилғуси китоблар
саҳифаси,
Пионернинг галстуги,
салюти,
Туполевнинг реактив
самолёти,
Етти йиллик баҳорининг
нўчати,
Йўлдошларки, коинотда
учади,
Пок виждонли, олов қонли
одамлар,
Улкаларки, олға қараб
қадамлар...
Ҳаммасида, ҳаммасида
муттасил
Ленин яшар,
яшар Ленин хотири,
Ўлмасликка далилларнинг
каттаси
Ана шудир —
—деймиз—
Ленин: — ҳа тирик!

Ўзбекистон журналистларининг биринчи съездига

Қадрли ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сизларни ва сизлар орқали барча журналистларни, ишчи ва қишлоқ мухбирларини, республика матбуоти, нашриёт, радио ва телевидениесининг ҳамма ходимларини қизғин ва самимий табриклайди.

Ўзбекистон журналистлари съезди КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган совет кишилари мамлакатимизда коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини зўр сиёсий ва меҳнат ғайрати билан амалга ошираётган шонли кунларда ўтмоқда.

Партиямизнинг жанговар қуроли бўлган совет матбуоти меҳнаткашлар кенг оммасини хўжалик-сиёсий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилишда катта ташкилотчилик ролини ўйнайди. Етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашда партия ташкилотларига актив ёрдам бериш, оташин сўз билан шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини улуғ Совет Ватанимизнинг шон-шуҳрати йўлида янги ажойиб зафарларга илҳомлантириш, уларни марксизм-ленинизм ғолиб идеяларига фидокорона хизмат қилиш руҳида тарбиялаш — совет журналистларининг, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг энг биринчи бурчидир.

Совет матбуоти ходимлари кўп минг кишилик армиясининг илғор отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон журналистлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар Совет Иттифоқидаги бошқа қардош республикалар билан бирга Ўзбекистон олдида ҳам экономика ва маданиятни янада ривожлантиришнинг катта перспективаларини очиб берган КПСС XXI съезди тарихий қарорларини тинмай пропаганда қилишлари лозим.

Республика матбуоти пахтачиликни ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини зўр куч билан юксалтириш учун, саноатнинг барча тармоқларини, биринчи навбатда оғир индустрияни янада ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш учун, социалистик фан ва маданиятни янада яшнатиш учун умумхалқ мусобақасининг чинакам ташаббускори бўлиши лозим.

Меҳнат унумдорлигини кун сайин юксалтираётган, Совет Ватанининг бойлигини ва шуҳратини ошираётган республикамиз меҳнаткашларининг қаҳрамонона ишлари ҳақида ҳикоя қиладиган материаллар газета ва журналлар саҳифаларида, радио ва телевидение эшиттиришларида муносиб ўрин олиши керак. Завод, фабрика ва қурилишлардаги новаторларнинг, коммунистик меҳнат бригадалари номини олиш йўлидаги ватанпарварлик ҳаракати қатнашчиларининг, агротехниканинг прогрессив методларини, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалиқ экинларидан мўл ҳосил олишнинг илғор методларини, дала ишларини комплекс механизациялашни, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишнинг илғор усулларини дадил жорий қилаётган колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шонли ишларини ҳар сонда, ҳар эшиттиришда акс эттириш керак. Журналистлар капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларини тарқатувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришлари, ишда мавжуд бўлган хато ва камчиликларни қаттиқ танқид қилишлари, бу хато ва камчиликларнинг тезроқ йўқотилишига эришишлари зарур.

Республика меҳнаткашларининг етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, халқ хўжалиги ва маданиятини янада юксалтириш учун қаҳрамонона кураши ва кўп тармоқли ҳаёти тўғрисида ҳикоя қиладиган турли китобларни кўпроқ чиқариш, чиқарилаётган китобларнинг полиграфия сифати юқори бўлишига эришиш — нашриёт ходимларининг бурчидир.

Совет халқларининг бузилмас қардошлик дўстлигини — кўп миллатли социалистик давлатимиз куч-қудратининг битмас-туганмас манбаини ўз маҳоратларининг бутун кучи билан мустаҳкамлаш Ўзбекистон журналистларининг муқаддас бурчидир. Бизнинг матбуотимиз пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бориши, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб бориши лозим.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети республика журналистлари КПСС XXI съезди томонидан совет матбуоти олдига қўйилган жанговар вазифаларни шараф билан бажарадилар, мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ўзбекистон журналистларининг биринчи съезди

20 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон журналистларининг биринчи съезди очилди. Залда съезд делегатлари билан бирга жуда кўп меҳмонлар — илғор ишчи ва қишлоқ мухбирлари, ёзувчилар союзининг аъзолари, кинематографчилар, рассомлар, композиторлар союзларининг аъзолари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари ўтиribдилар.

Ўзбекистон журналистлар союзи ташкилот бюросининг топшириғига мувофиқ Р. С. Соҳибоев съездни очади.

Бир овоздан президиум сайланади. Президиум составида Союз маҳаллий бўлимлари бюроларининг аъзолари, республика, область, шаҳар, район газеталарининг, завод ва колхоз кўп тиражли газеталарининг редакторлари, иттифоқ матбуотининг вакиллари бор. Президиум столи олдида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, республика Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари М. А. Абдураззоқов, З. Р. Раҳимбобоевалар ўтиribди.

(ДАВОМИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА).

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт ва санъат соҳасида Ленин мукофотлари комитетида

Адабиёт ва санъат соҳасида энг яхши муваффақиятлар учун Ленин мукофотлари бериш тўғрисида

Адабиёт ва санъат соҳасидаги Ленин мукофотлари комитети адабиёт ва санъат соҳасида яратилган энг яхши асарлар учун қўйидагиларга 1959 йилги Ленин мукофотларини беришга қарор қилди:

1. **М. О. Авезовга** — «Обойнинг йўли» романи учун (биринчи китоб — «Обой», иккинчи китоб — «Обойнинг йўли»).
2. **А. П. Довженкога** — «Денгиз ҳақида поэма» номли адабий киносценарияси учун.
3. **А. П. Кибальниковга** — Москвадаги В. В. Маяковский ҳайкали учун.
4. **Н. Ф. Погодинга** — «Милтиқли киши», «Кремль курантлари», «Учинчи патетикали» номли драматик трилогияси учун.
5. **Б. А. Смирновга** — МХАТ сахнасида қўйилган «Учинчи патетикали» спектаклида В. И. Ленин ролини ижро этганлиги учун; **М. М. Штраухга** — «Ленин ҳақида ҳикоялар» кинофильмида В. И. Ленин ролини ижро этганлиги учун.
6. **В. П. Соловьев-Седойга** — «Йўлга», «Москва оқшомлари», «Сўллар», «Агар бутун дунёдаги йигитлар», «Нахимовчилар марши» номли қўшиқлари учун.
7. **А. И. Хачатурянга** — «Спартак» балети учун.

Тошкент. Владимир Ильич Ленин номидаги Қизил майдон. В. Салов фотоси.

Ленинизмнинг ғолиб байроғи

«Пролетариатнинг улуғ озодлик ҳаракати тарихи,—дейилади Марказий Комитетнинг «Партияга. Бутун меҳнаткашларга» қарата чиқарган мурожаатномасида,—Марксдан кейин бизнинг марҳум йўлбошчимиз, устозимиз, дўстимиз каби улуғ сиймони ҳеч қачон майдонга чиқарган эмас. Пролетариатга хос бўлган чинакам буюклик ва қаҳрамонлик ҳислатлари — кучли идрок, ҳар қандай ғояларни енга оладиган, темирдек мустаҳкам, қудратли, саботли ирода, қуллик ва жабр-зулмга қарши ҳаққоний ва чексиз нафрат, тоғларни ларзага келтира оладиган революцион шижоат, оммаларнинг ижодий кучларига беиҳоя ишонч, улуғ ташкилотчилик ғанийси,— бу хислатларнинг ҳаммаси Ленинда жуда яхши ўз ифодасини топди, Ленининг номи ғарбдан шарққача, жанубдан шимолгача янги дунё символи бўлиб қолди».

Ҳамид ҒУЛОМ.

Ленин ғоялари абадий

Бугун, жаҳондаги энг улуғ инсон туғилган кун.

Ер юзининг ҳеч бир ерида Ленинни билмайдиган, унинг номини тилга олмайдиган одам йўқ.

Шу мисраларни ёзаётган мухлисингиз Неапольда боғбонлар билан, Гаврда докерлар билан, Искандария йўлида пахтакорлар билан, Газгада гулчилар билан суҳбатлашди. Қайсики меҳнаткаш Ленин номини тилга олса, кўзида нур порлайди, лабига жилва қўнади.

Шоирлар Ленинни қуёшга ўхшатадилар. Бу ташбиҳ бечиз эмас. Ленин номи, Ленин ғоялари, Ленин таълимоти дилларни мунаввар этади, бағирларни иситади.

Одамзотга умид — йўлдош, ишонч мададкор. Ана шу икки буюк куч Ленин номи билан, Компартия номи билан чамбарчас боғлиқ.

Ленин қуёши эзилматни парчалаган қудратдир.

Ленин таълимоти жаҳолатни маҳв этган қувватдир.

Шу сабабдан ҳам Ленин башар саодати ва камолотининг тарбиячисидир.

Совет давлатининг тарихи Ленин таълимотини поёма-поя қунт ва сабот билан, изчиллик ва маҳорат билан амалга ошириш тарихидир.

Коммунизм улуғ йўлида мардона қадам ташлаб бораётган озод халқларимиз беш йилликларнинг юксак давонларидан ошиб, эндиликда етти йилликнинг яна ҳам баландроқ довонига кўтарилмоқдалар.

Бу давон сўнгги давон эмас.

Аммо бу давон — ҳал этувчи давон.

Шу давонга кўтарилганда фаровонлик боғлари, коммунизм чироқлари ёрқин кўринади.

Бу давон икки дунё — социализм дунёси билан капитализм дунёси ўртасидаги мусобақада бизнинг узилкесил ғалабамизни таъмин этади.

Бутун мамлакат қудратига қудрат, ҳуснига ҳусн қўшилади.

Шарқ гўзали Совет Ўзбекистонимиз ҳам яна бойроқ, яна қудратлироқ, янада соҳибжамол бўлади.

Етти йиллик илк баҳори ўлка бўйлаб кезаяпти. Ҳар бир ишда, ҳар бир қурилишда унинг нафаси сезилиб турибди.

Мирзачўлда бетон канал қурилди. Туби ҳам бетон, соҳиллари ҳам. Янги пахтазорларга бетон қувурлар орқали сув берилади. Сув тақсимоти автоматлаштирилади. Кекса қурувчилардан Ш. Айитметов:

— Ота-боболаримиз минг йилда қилолмаган ишни, биз бир кўкламда қилдик, — деди.

Ленин халқларнинг асрий орзуларини англаган улуғ инсон.

Жаҳон империалистлари ёш Совет давлатини ўт билан қуршаб, даҳшатли уруш оловини ёғдирган оғир кунларда ҳам Владимир Ильич келажакни ўйлади, халқлар истиқболини кўрсатиб берди. Улуғ доҳи ўша вақтда:

— Мирзачўл сугорилсин, — деган эди.

Ўшандан бери қирқ бир йил ўтди. Мирзачўл пахтасининг кийим-кечаклари, ноз-нематлари эндиликда оламга машҳур.

Гулистон боғларининг анорлари, шафтолилари рангда, таъмда қиёссиз.

Совхоз поселкалари ўз меҳмондўстлиги, нури, боғлари билан донг таратди.

Мирзачўл халқ ишига, Ленин башоратига бир мисол, холос.

Мирзачўл таққослаш учун характерли. Нега десангиз, бутун Ўзбекистон, қолаверса, бутун Ўрта Осиё революцияга қадар юпунликда, қашшоқликда, қолоқликда Мирзачўлнинг то ўзлаштирилгунча бўлган аҳволига жуда ҳам ўхшаб кетарди.

Эндиликда Ўзбекистон Совет Шарқида боғ-ўлка, машъал — республика номини олди.

Осиё ва Африканинг ҳақоратли қуллик занжирларини парчалаб ташлаган ва парчалаб ташлаётган халқлари ўз тақдирларини ўзгартираётган бир пайтда Совет Иттифоқига ва унинг тенгҳуқуқли республикаси бўлган Ўзбекистонга умид тўла кўзларини тикаяптилар.

Қоҳирада «Ўзбакия» маҳалласи бор. Қадимги маҳалла. Мен ўша ерда оддий кишилар билан — пойафзалчилар, мисгарлар, тўқувчилар билан суҳбатлашдим. Улар Ўзбек халқининг Совет ҳокимияти йилларида эришган муваффақиятлари билан фахрланадилар ва айни вақтда халқ ҳаётида қисқа муддат ичида бу қадар кўп қувончли воқеалар содир бўлганлигидан ҳаяжонланадилар, ҳайратланадилар.

Куз оқшоми эди. Нил соҳилидан салқин шамол эсарди. «Ўзбакия» маҳалласидаги пойафзал дўконларидан бирида қаҳва ичиб ўтирардик. Озгин, қотма кекса мисгар чилим тортаркан, сарҳонадан кўтарилган кўкиш алангага тикилиб, ўйга толди. Анча вақт индамади. Мен ҳам унинг ҳаёлини қузатиб, сукут сақлаб ўтирдим. У, ниҳоят:

— Бахт диёри, — деди, кўзларида жилва порлаб. — Умид юлдузи!

Совет мамлакати жаҳон халқлари учун чинакам умид юлдузи, йўлчи юлдуздир.

Шу юлдузга қараб юрганлар адашмайди.

Бахт ёруғ юлдузи халқларга ёрқин келажак манзилларини кўрсатиб турибди.

Бу юлдуз халқлар учун тинчлик юлдузи, дўстлик юлдузи, бирдамлик юлдузидир.

Совет халқи шу бахтли юлдуз остида етти йилликда меҳнат мўъжизалари яратади.

Республикамизда янги шаҳарлар қад кўтаради, янги машиналар созланади, янги каналлар очилади, пахтазорлар кенгаяди, газ қувурлари, буёғи — Тошкентгача, уёғи — Қизилқум оша Уралгача етади... Маданият саройлари кўпаяди, янги боғлар кўкаради.

Ер юзидаги энг қисқа иш куни, энг қисқа иш ҳафтаси бизнинг мамлакатимизда бўлади. Яъни, Ленин айтганча бўлади.

Меҳнатимизда совет техникасининг улуши, мадади ошади.

Пахтакорлар меҳнати ҳам машина ҳисобига енгиллашади.

Айниқса, хотин-қизларимиз ороми, саодати учун жуда кўп янги тадбирлар амалга оширилади.

Булар ҳаммаси Ленин тузган, Ленин чиниқтирган Коммунистик партия режаларидир.

Реал режалар.

Ленинча етти йилликнинг дастлабки йили КПССнинг тарихий XXI съезди билан бошланди.

Шонли съезд қарорлари — Ленин таълимотининг ривожидир.

Партиямиз, халқимиз етти йилликни бажариш учун курашиб, Ленин ғояларига содиқликни яна бир карра намойиш қиладилар.

Ҳаракатимиз, ўсишимиз, гуллашимиз, истиқболимиз нурлидир, абадийдир. Чунки, Ленин ғоялари абадийдир.

Биз қураётган коммунизм ҳам, Ленин ғояларидек муқаррардир.

Шу сабабдан ҳам бугун жаҳондаги энг улуғ инсон туғилган кун ҳамма халқларга қутлуғ байрамдир.

В. И. Ленин Советларнинг II Бутунроссия съездида Совет ҳокимиятининг биринчи декретларини эълон қилмоқда. В. Серов чизган расмдан.

Бир асрдан кўпроқ вақт илгари ишчилар синфининг улуғ йўлбошчи ва устозлари Маркс ва Энгельс меҳнаткашларни илмий коммунизмнинг революцион назарияси билан қуроллантирдилар. Ўлмас Ленин ана шу ғолиб назарияни янги тарихий шароитларда ижодий тарзда ривожлантирди ва бойитди. Ленин Коммунистик партиямизни вужудга келтирди ва чиниқтирди. Мамлакатимизнинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари Коммунистик партиямиз раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширдилар, социализм қурдилар ва эндиликда муваффақиятли суратда коммунистик жамият қурмоқдалар.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

* * *

Биз ҳадеб сафсата сотиб вайсай бермасдан ленинчасига ишлашимиз керак, олдимизда нишон бўлмай турib, ўқ отмаслигимиз зарур, ўқувчи ва тингловчиларни эсдан чиқармаслигимиз, ўзимизни иллатдан ҳоли деб билмаслигимиз, мақтанмаслигимиз лозим — хуллас Ленин қандай ишлаган бўлса, шундай ишлашимиз керак.

МАО ЦЗЭ-ДУН.

Улуғ Ленин номи билан

Ёш Совет давлати эндигина оёққа тураётган бир даврда Владимир Ильич Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги тарихий Декретга қўл қўйди. Совет қишлари Ильичнинг васиятларини оғишмай амалга ошира бориб, бир вақтлар кимсасиз Мирзачўлда гуллаб-яшнаётган колхоз ва совхозлар, гигант саноат корхоналарини барпо этдилар.

Улуғ доҳимизнинг муқаддас номи билан аталган бизнинг металлургия заводи партия ва ҳукуматнинг иродаси билан чўл ўрнида барпо этилган корхоналарнинг биридир. Корхонамизни ўзига хос бир комбинат дейиш мумкин. Бу ерда мартен ва прокат цехлари, электростанция, компрессор станцияси, механика, қуюв, темирчилик ва бошқа цехлар ишлаб турибди. Завод республика халқ хўжалигини тағин ҳам юксалтиришда салмоқли ўрин тутади. Чунки биз қанчалик кўп пўлат ва прокат тайёрласак, мамлакат шон-шуҳрати, Ватанимиз куч-қудрати ҳам шунчалик ошади. Бугун планга қўшимча равишда ишланган тонна-тонна металл эртага турли хил машина ва механизмлар демакдир.

Ўзбекистон металлургларининг ҳам етти йилликнинг улуғвор режаларини оғишмай амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берувчи янгиянги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Коллективимиз 1959 йилнинг биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари халқ хўжалиги учун қўшимча равишда бир неча минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарди. Биз етти йиллик топшириқларини бажариш йўлида қўлга киритилган ана шу дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Н. Убайдуллаев, С. Нуриддинов ва Б. Грошев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари бу соҳада ҳаммага намуна кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Етти йиллиқда заводда пўлат ва прокат маҳсулотлари тайёрлаш янада кўпайтирилади. Шу мақсадда корхона реконструкция қилинаётир. Ҳа демай биз энг прогрессив усулга — пўлатни узлуксиз равишда тақсимлашга ўтамиз.

Бизнинг корхона улуғ Ленининг оғир индустрияни устун даражада тинмай ривожлантира бориш ҳақидаги ғояларининг тантанаси тимсолларидан биридир.

А. ТОШПЎЛАТОВ.
Б. МИРЗАМАТОВ,
В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчилари.

Бобомиз васиятларига амал қилиб

Ҳар бир коллектив, завод ва фабриканинг ишчилари, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари умумхалқ байрамига муносиб совға билан келишни одат қилиб олган. Биз ўқувчилар ҳам буюк доҳимиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 89 йиллигини ўқишда, меҳнатда, ҳунар ўрганиш соҳасида бир қатор ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишга ҳаракат қилдик. Улуғ доҳининг биз ёшларга қарата айтган: «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган насиҳатини доимо ёдда тутиб, фан асосларини чуқурроқ эгаллашга интилаётирмиз. Шу билан бирга пролетариатнинг доно йўлбошчиси халқ маорифи ишига катта эътибор бериб, ўқишни фойдали меҳнат билан боғлаб бориш ишига алоҳида ғамхўрлик қилганлигини ҳам биламиз.

Партиямиз Марказий Комитети ўтган йили бўлиб ўтган ноябрь Пленумида ҳам, КПСС XXI съездида ҳам, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиялари қабул қилган тарихий ҳужжатларда ҳам мактабни турмуш билан боғлаш, ёшларни ҳам билимдон, ҳам ҳунарманд кишилар қилиб етиштириш масаласига катта эътибор берилган. Биз ана шу Ленин ғоялари асосида ишлаётган мактабларда таълим олиб, келажакнинг актив қурувчилари бўлиб етишишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мактабимиз коллективи билан Ленин кунларига қизғин тайёргарлик кўрдик. Александр Матросов номли пионерлар дружинаси Ленин ҳаёти ва ижодига бағишланган гулхан ўтказади. Мактаб кутубхонасида Ленин тўғрисида турли кўргазмалар ташкил қилинди. Ленин ҳақидаги хотираларни, китобларни, улуғ доҳининг асарларини ўқир экамиз, ҳар биримизнинг қалбимизда Ильич васиятларини тўла амалга ошириш ҳиссиётлари тўлиб-тошади. Аъло ўқиш, интизомли бўлиш, меҳнатда ҳам намуна кўрсатиш, улуғ Ленин васиятларини бажаришдаги бизнинг амалий ишларимиз бўлади.

Камол ХАЛИЛОВ,
Закия АЛАВУТДИНОВА,
Мунира АБДУСАЛОМОВА,
Тошкент шаҳар Аброр Ҳидоятов номидаги 14-мактаб 10-синф ўқувчилари.

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ УЛУҒ ДОҲИСИ

Владимир Ильич оилада

Доимо ғамхўрлик қилиш, дўстона, ўртоқларча муомала қилиш, бирга бўлишга интилиш, янгиликлар ва янги фикрлар тўғрисида суҳбатлашиш, сиёсий ҳаётдаги барча энг муҳим воқеаларни биргаликда муҳокама қилиш ва бош кўтармай ишлашдан кейин икковлашиб дам олишга чиқиб кетиш — ана шуларнинг ҳаммаси Ленин оиласидаги муносабатлар намунасидир. Владимир Ильич сайр қилишни жуда севарди, шунинг учун у иш кунлари бирор бўш соат топса, ёки дам олиш кунларида, Надежда Константиновна билан, опаси ва сингиллари уникига келган вақтда, улар билан ҳам сайр қилгани дарҳол шаҳардан ташқарига чиқиб кетишга ҳаракат қиларди. Владимир Ильич опа-сингиллари билан жуда дўст эди, хат ёзишиб турарди, Россиядан келиб улар билан учрашган ўртоқларнинг ҳол-аҳволини улардан батафсил суруштириб турарди. Надежда Константиновна базедов касали билан оғриган вақтда Владимир Ильич унинг устида парвона бўлиб парвариш қилди, рўзғор ишларининг ҳам кўпини ўзи қилди ва Надежда Константиновна билан бирга энг яхши врачларнинг ҳаммасига учрашиб кўрди. У операция қилишдан бошқа илож қолмаганини билгач, операция қилишни Берининг машҳур хирурги профессор Кохердан илтимос қилди ва операция вақтида клиникада ўзи ҳозир бўлди. Надежда Константиновна узоқ касал бўлиб ётган вақтида Владимир Ильич

В. И. Ленин ва Н. К. Крупская меҳнаткашлардан келган хатлар билан танишмоқдалар. П. Васильев чизган расм.

базедов касалига, уни даволаш усулларига оид адабиётни жуда диққат билан ўрганиб чиқди. Владимир Ильич Надежда Константиновнанинг касали тўғрисида гапирар экан, бориб турган мутахассисдек фикр юритади, деган гапларни мен докторлардан кўп марта эшитганман. У Надежда Константиновнага ҳар доим ва ҳар ерда ана шундай алоҳида ғамхўрлик кўрсатар эди.

Владимир Ильич узоқ муддат чет элда яшар экан, ўзининг севимли онаси Мария Александровнанинг сиҳатини, аҳволи руҳиясини, тамоми орзуниятларини тинмай қузатиб борди. У қанчалик банд бўлмасин, жуда муҳим революцион ишлар унинг бутун вақтини қанчалик олмасин, бир минут ҳам бўш вақти қолмагандек туюлсада, камроқ ухлаб, камроқ истироҳат қилса ҳам, ўз онасига меҳр-муҳаббат билан тўлган хатлар ёзишни канда қилмас эди ва ўзи ҳақида, Надежда Константиновна ҳақида, агар опа-сингиллари ўзи бидан бирга бўлса, улар ҳақида ҳикоя қиларди.

В. БОНЧ-БРУЕВИЧ.

Устоз ва дўст

В. И. Ленининг жуда интизомли бўлганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Мен Лениннинг нутқ сўзлаш ёки доклад қилиш учун қаерга бориши кераклигини унга билдириш учун махфий учрашиш жойига чақирганимда (биз яширин равишда иш олиб борар эдик), унинг келмай қолганлиги ёки кечикиб келганлигини сира кўрган эмасман. Эртаси куни Ленин, унинг докладида қанча одам бўлганлиги, қандай саволлар берилганлиги ва у борган ташкилотда қандай камчиликлар борлигини ҳамма вақт жуда аниқ билдирар эди.

Лениннинг интизомлилигини кўрсатиш учун бутунлай бошқа даврга тааллуқли бўлган яна бир мисол келтираман. Бу воқеа 1918 йилда, Владимир Ильич Петербургдан Москвага келиб, Кремлда жойлашганида содир бўлган эди.

Владимир Ильич квартирасига олиб борадиган коридорда Кремль коменданти Бутун Россия Ижроия Комитети ҳузуридаги мактаб курсантларидан соқчилар қўйган. Соқчилар орасида Владимир Ильични шахсан танимайдиган ёшлар кўп эди. Комендант, Ленин квартирасига пропускасиз ҳеч ким қўйилмасин, деб буйруқ берган. Бир куни Владимир Ильич Халқ Комиссарлари Советидаги ўз кабинетига кета туриб, доимий пропускасини уйида қолдирибди. Кундузи унга квартирасидан нимадир керак бўлиб қолганлигидан у ўз уйига борибди. Эшик олдида турган навбатчи курсант Лениндан пропуска талаб қилган. Владимир Ильич қўли билан эшикни кўрсатиб:

— Мана шу эшик менинг квартирам-ку... — деган.

Курсант унга жавобан:

— Мен билмайман. Пропускасиз ҳеч ким қўйилмасин деган буйруқ бор, — деган.

Владимир Ильич орқасига қайтиб комендатурага борган ва пропуска олиб ўз уйига кирган.

Суткалик навбат тугагач, ҳалиги навбатчи ўзининг командирига келиб, унга пропускасиз кирмоқчи бўлган бир киши тўғрисидаги воқеани сўзлаб берган. Командир эса бундан хабардор бўлган. У курсантнинг айтганини эшитиб бўлгач, ундан:

— Кимни қўймаганлигингни биласанми? — деб сўраган.

— Йўқ, билмайман.

— У киши Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Ленин бўлади.

Курсант шошилиб қолиб, узр сўраш учун Владимир Ильич олдига чопиб кетган.

Владимир Ильич эса унга:

— Сизнинг узр сўрашингизга ҳеч бир ҳожат йўқ. Кремль территориясида комендантнинг фармони ёки буйруғи — қонундир. Мен Халқ Комиссарлари Советининг Раиси бўла туриб, бу қонунни бузишим мумкинми? Айб менда эди, Сиз эса ҳақлисиз, — деган.

Е. СТАСОВА.

Буюк ва камтар одам

Ленин билан учрашиш, у билан озгина бўлса ҳам сўзлашиш, айниқса бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган кишининг хотирасидан улуғ ва шу билан бирга энг оддий киши тўғрисидаги порлоқ хотиралар абадий кўтарилмайди. Мен, оддий ўзбек аёли ҳам Владимир Ильични кўришга ва у билан сўзлашиш бахтига муяссар бўлганман.

1921 йилда мени (мен у вақтда Тошкентнинг «эски шаҳар» қисмида район партия комитетининг хотин-қизлар бўлимида ишлар эдим) бошқа хотин-қиз делегатлар билан бир қаторда Москвага Совет Шарқи хотин-қиз активларининг кенгашига юборишган эди.

Наҳотки Москвада бўлсак-у, Ленинни кўролмай кетсак? Бизга озиқ-овқат масалалари юзасидан Бутун Россия кенгаши бўлаётган бинога боришни маслаҳат бердилар. Агар Владимир Ильичга, сиз билан меҳнаткашларнинг вакиллари, айниқса Шарқдан келган хотин-қизлар учрашмоқчи дейилса, албатта у сизлар билан учрашади, дедилар.

Айтганларидек бўлди. Биз бино ёнига етиб келишимиз биланоқ, Ильич ҳам чиқиб келди. Бу учрашувдан у жуда хурсанд бўлди ва Шарқ хотин-қизларининг Москвада бўлиши янги совет тузумининг буюк ғалабаларидан биридир, деди.

Кунлардан бирида бизни Коммунистик Интернационал 3-конгрессининг мажлисига таклиф қилдилар. Залдагилар Шарқ хотин-қизлари делегациясини оёққа туриб олқишладилар.

Бир куни, кенгаш давом этаётган вақтда (унга Крупская раҳбарлик қилаётган эди) мен Владимир Ильич билан унинг иш кабинетида учрашишга муяссар бўлдим. Бу ерда бўлган қисқагина самимий суҳбат умрбод хотирамда қолади. Ильич бизнинг Москвада қандай жойлашганимизни суриштирди, турмушимиз ва ишларимиз билан қизиқди ва Шарқдан келган хотин-қиз делегатлар учун қандай совға манзур бўлар экан, деб сўради. Янги ҳаёт қуришни ўрганиш учун Москвага келганлигимиз биз учун энг яхши совғадир, деб жавоб бердик биз. Бу жавоб Ильичга жуда маъқул тушди.

Владимир Ильичга мени кўрсатиб, бу оддий ўзбек аёли Коммунистик партиянинг аъзоси деб айтганларида, бу сўзни эшитиб у жуда севинди, ҳатто ҳаяжонланиб кетди. Ильичнинг, большевиклар Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари бизнинг партиямизни тушуниб оладилар ва у кўрсатган йўлдан борадилар деб қаттиқ ишонган эдилар, деган сўзлари ҳамон эсимда.

Биз Владимир Ильич кабинетидан чиқа бошлаганимизда, у ўрнидан туриб, гўё бизга оқ йўл тилаётгандек, табассум билан қўл силтаб қолгани ҳали ҳам ёдимда.

Ш. ҒОЙИБЖОНОВА.
1920 йилдан буён КПСС аъзоси

КОММУНИЗМ ЙЎЛИНИ ЁРИТМОҚДА

☆ ☆ ☆

Ленинча ишлаш, яшаш ва ўқиш учун курашмоқдамиз

Улуғ Ленин меҳнатда фидокорлик, илм чўққилари томон интилишда тиришқоқлик ва заковатлилик, яшашда коммунистик ахлоқнинг юксак намуналарини кўрсатган. Унинг тинимсиз кескин курашларда ўтган ажойиб ҳаёти ва ижодий фаолияти биз ишчилар учун катта мактабдир.

Гениал доҳимиз кўрсатиб берган йўлдан бизларни маҳорат билан бошлаб бораётган ленинчи партия мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини белгилаб берди. Ҳозирги пайтда Ленин сингари тиним билмай самарали ишлаш, Ленин сингари муттасил ўқиш-ўрганиш ва ленинча яшаш учун кураш ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Бутун мамлакат бўйлаб авж олаётган коммунистик меҳнат бригадалари ва авангардлари ҳаракати мана шу курашнинг ёрқин ифодасидир. Бизнинг шаҳримизда, жумладан комбинатимизда ҳам «Коммунистчасига ишлаш, яшаш ва ўқиш учун!» деган шиор остида юзлаб коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз активлар партия XXI съезди қарорларини тезроқ амалга ошириш учун курашни тобора авж олдирмоқдалар.

Комбинатни электр қуввати билан таъминлаб туриш бизнинг цех коллективи зиммасига юклатилган. Бу вазифани бажаришда рельечилар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Мана шундай масъулиятли вазифани бажараётган участкамиз коммунистик меҳнат коллективи унвонини олиш учун курашмоқда. Биз ҳамма электр установкалари ва аппаратураларининг нормал ишлашини таъминлаш, автоматикани кенг жорий этиш, шу йилнинг ўзида камида 25 та рационализаторлик таклифи киритиш ва уларни амалга ошириш йўли билан камида 20 минг сўмлик давлат маблағини тежаш, ҳамма рельечиларнинг олий маълумотли бўлишига эришиш сингари мажбуриятлар олганмиз. Бу аҳдимизни ёмон бажараётганимиз йўқ. Ўтган уч ярим ойда бирнеча қимматли рационализаторлик таклифлари киритилди. Ҳар куни кўплаб электр қуввати тежаб қолишга эришмоқдамиз. В. Пупинин, Г. Красовская, Л. Тихомолова, А. Савченко ўртоқлар каби касбдошларим қатори мен ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтда ўқиётирман.

Биз ҳаммамиз техника билими ва малакаси оз ишчилар учун техника темасида ва илғор тажрибалар тўғрисида лекциялар ўқимоқдамиз.

Биз ленинча ишлаш, яшаш ва ўқиш учун янада кўпроқ ғайрат билан курашамиз.

В. ДЕЖИН,
Чирчиқ электрокимё комбинати рельечиси.

☆ ☆ ☆

ЙИГИТ ФАХРИ

Кўп кундирки Темиржоннинг
Шишган боши.
Томоғидан ўтмас ҳатто
Ичган оши.
Кенг дашт бўйлаб кезиб чиқар
Тунлар ёлғиз.
Гўё ҳамма қилар унга
Қўлин бигиз:
Мирзачўлга келдингми-ҳа,
Кўрсат бир иш!
Сендан нолиб ўтмасин бу
Ёз ила қиш.
Иш кўрсатай деса қаҳроқ
Ерлар шўрхок.
Қанча-қанча дашту қирлар
Хомиш-мудроқ,
Учраб қолар оч бўрилар
Тиконзорда.
Шамол тун-кун бетин увлар,
Қилар зарда.
Бу қув чўлнинг белин букмоқ
Змас осон.
Олишувни ўйласа ҳам
Қийналар жон.
Минг ташвишда юрак титрар
Эгик боши.
Ким бўлади бу оч чўлда
Чин йўлдоши?!
Қочсамикин, пули борми,
Ё бўш ҳамён, —
Чўнтакларин ковлаб қолди
Йигит шу он.
Ҳамён змас қўлга азиз
Билет чиқди.
Кимдир шу дам бошин силаб,
Қўлин сиқди.
Боқар унга — комсомоллик —
Билети бу.
Илк бетида Ленин расми
Худди нўзгу.
Майин кулиб Темиржонга
Боқар эди.
Гўё унинг юзидан нур —
Оқар эди.
Кўзларида жилваланар
Чўнг ирода.
Ундар гўё: йигит кетиб
Қолма доғда.
Олишувдан қўрққан одам
Чўл қуволмас,
Ғолиб келмоқ учун белни
Боғласанг бас.
Қўлтиғингда халқ, Ватан бор,
Сен олға боқ...
Деган каби Ленин кулиб
Турар шучоқ.
Темиржонни босди кучли,
Зўр ҳаяжон.
Тарқалди тез кўзларини
Босган туман.
— Улуғ доҳи сиз бошлаган
Ишни албат
Зафар билан якунлаймиз
Сиз куч-қудрат.
Деб чўл сари трактورин
Бурди илдам.
Атрофида уни қутлаб
Кезар кўклам.

Шотурсун ҒУЛОМОВ.

☆ ☆ ☆

Владимир Ильич Ленин узоқ вақт эммиграцияда юрди. Лекин шундай бўлса-да, улуғ доҳининг бутун фикри ўз Ватанида эди. Россияда юз бераётган сиёсий воқеалар Ильичнинг назар-эътиборидан ҳеч четда қолмас эди. Россияда февраль буржуа-демократик революцияси ғалабасини эшитган В. И. Ленин ўз Ватани — Россияга қайтишга ошиқади. Ниҳоят шундай кун ҳам етиб келди.

Ленин Финляндиядан Петроградга поездда келатуриб, йўл бўйи солдатлар билан суҳбатлашади, уларга ерни, эркинликни қандай қилиб қўлга киритишни ва қандай қилиб урушни тамомлашни тушунтиради.

Владимир Ильич Ленин яна Ватанда — революцион Россияда.

Бу суратда Владимир Ильич Ленининнинг солдатлар билан суҳбати акс эттирилган.

П. Васильев чизган расм.

Коммунизм чироқлари

Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир, деган эди Владимир Ильич.

Совет давлати барпо қилингандан буён ўтган йиллар мобайнида доҳимизнинг бу кўрсатмаси изчиллик билан амалга оширилиб келинди ва оширилмоқда. Буни областимиз мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ҳали яқиндагина ўзбек деҳқони электрдан фойдаланиш ўёқда турсин, у ҳақда аниқ тасаввурга ҳам эга эмас эди. Эндиликда эса энг чекка қишлоқларда ҳам Ильич чироқлари — коммунизм чироқлари порламаган колхоз ёки хонадонни қидириб топиш амримаҳол.

Ҳозир областимизда 225 колхоз, 11 совхоз ва 27 РТС тўла электрлаштирилган. Электр аллақачон деҳқонларимиз ҳаётига сингиб кетган. 1955 йилда область колхоз ва совхозлари 36 миллион киловатт-соат электр энергияси ўзлаштирган бўлсалар, 1958 йилга келиб бу кўрсаткич 100 миллион 400 минг киловатт-соатга етди. Ҳозир колхозлар 32 минг 434 киловатт-соат қувватга эга бўлган 2381 электр двигателига эга. Вақоланки, 1955 йилда 1328 та электр двигатели мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 8090 киловатт-соат эди.

Областимиз колхоз ва совхозларини ёппасига электрлаштириш узоғи билан 1964 йилда тугалланади. Бунинг учун кучли подстанциялар қуриш планлаштирилиб, ҳозирданоқ ишга киришилди.

М. САИДОВ,
«Главсельэлектро» область конторасининг директори.

1887 йил. Народниклар подшо Александр II га суиқасд қиладилар. Суиқасдчилар тутилиб, дорга осилади. Булар ичида В. И. Ленининнинг акаси — Александр ҳам бор эди. Она кўп қайғиради. Шунда В. И. Ленин «Биз бошқа йўлдан борамиз» деган эди. Суратда рассом П. Белоусовнинг Ленининнинг шу сўзига бағишлаб «Биз бошқа йўлдан борамиз» деган темада чизган расми.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

Улуғ фан корифейи Владимир Ильич Ленин гражданлар уруши қизиб кетган, мамлакатимиз бошига оғир кунлар тушган пайтларда ҳам ўтмишда чор Россиясининг қолоқ ўлкалари ҳисоблангган, аҳолиси қарийб саводсиз бўлган ўлкаларнинг маданиятини, фани ва санъатини ривожлантиришга катта эътибор берди. В. И. Ленин 1920 йил 7 сентябрда Тошкентда Давлат университети таъсис этиш ҳақидаги тарихий декретга қўл қўйди.

1924 йилдан Ўрта Осиё Давлат университети номини олган бу маърифат ўчоғи мамлакатимизнинг олий маълумотли мутахассисларга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйновчи илмий кадрларни, мутахассисларни етиштириб бера бошлади, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириб юборди.

Университет ҳузурида Туркистон илмий жамияти. Ўрта Осиё илмий медицина жамияти, илмий педагогика жамияти сингари 15 га яқин турли муассаса барпо этилди.

Ўрта Осиё Давлат университети фаннинг турли соҳаларида ишловчи мутахассисларни — физик ва математикларни, кимёгар ва биологларни, тарихчи ва геологларни, педагог ва тилшуносларни етиштириб чиқара бошлади. Биринчи беш йил (1922-1927) ичида 141 мутахассис етишиб чиққан бўлса, кейинги икки йил ичида САГУни 397 мутахассис битириб чиқди.

1950-1957 йилларда эса САГУни 4300 киши битириб чиқди. Ҳозир САГУ Ўрта Осиёдагина эмас, балки Иттифоқимиздаги энг йирик илм-фан ўчоқларидан бири бўлиб қолди. В. И. Ленин номи билан аталадиган бу йирик фан марказида ҳозир 9 факультет бўлиб, унда 4 мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда. САГУ ўзбек зиёлилари орасидан ўз илмий асарлари билан бутун мамлакатга танилган Қори Ниёзий, М. Урозбоев, Ш. Толипов, Т. Зоҳидов, Х. Усмонов, С. Сирожиддинов, А. Тўлаганов сингари жуда кўп академик ва профессорларни етиштириб берди.

САГУ бир қатор илмий муассасаларнинг яратилишига база бўлди. Тошкентда политехника, қишлоқ хўжалиги, медицина, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, молия-иқтисод, педагогика, Самарқандда совет савдоси, Ашхободда зооветеринария, Ленинободда қишлоқ хўжалиги институтларининг ташкил этилишида САГУнинг роли катта бўлди. 30-йиллардан бошлаб Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Андижон шаҳарларида педагогика институтлари ташкил этилди.

Ленин эккан илм-фан ниҳоли сермаҳсул бўлди. Ҳозир республикамизда қўша-қўша университет ва академиялар, юздан ортиқ илмий-текшириш институтлари бор. Ўзбекистон олий маълумотли мутахассислар етиштиришда жаҳоннинг йирик мамлакатларидан ҳам ўзиб кетди. Ҳозир бизда ҳар ўн минг аҳолига 10,72 олий маълумотли мутахассис тўғри келади. Бу Францияда гидан 2,5 марта, Туркиядагидан 9,2 марта, Эронда гидан эса 37 марта кўпдир. Бу эса республикамизнинг шарқда чинакам илм-фан маркази бўлиб қолганлигини яққол кўрсатади. КПСС XXI съезди режаларида республикамизда, шу жумладан пойтахтимизда илм-фан ва олий таълим янада равнақ топади. Бу эса совет олимларининг устози В. И. Ленин ғояларининг янги тантанаси бўлади.

О. СОДИҚОВ,
В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

☆ ☆

Улуғ йўлбошчининг азми билан

Колхозимиз хўжалигининг ҳозирги салмоғи, кишиларимизнинг тўқ ва маданий ҳаёти, файзли қишлоқларимизнинг ободонлиги, янада ёруғ келажагимиз тўғрисида гап борганида 1930 йилларни ҳеч унутмаймиз. Ўшанда ложинг йўқ. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириб, улуғ доҳимиз ғоялари кўрсатиб берган энг тўғри йўл-йўриқлари амалга оширилаётган ана шу бир пайтда бизнинг колхозимиз ҳам ташкил қилинган эди.

Тўғри, дастлабки йилларда техника танқис, мутахассис кадрлар етишмас, ишчи кучларимиз кам эди. Шунинг учун ҳам экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликни ривожлантириш борасида яхши кўрсаткичларга эриша олмас эдик.

Жонажон партия ва ҳукуматимиз улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, биз, колхозчи-деҳқонларнинг оғиримизни енгил қилиш учун қудратли техника билан таъминлашга жуда катта эътибор бера бошлади.

1930 йилда фақат 190 гектар экин майдонига эга эдик. Барча ишни фақат қўл кучи билан бажаришга тўғри келарди. Шунинг учун ҳам кўнгилдагидек ҳосил етиштира олмас эдик. Эндиликда эса хўжалигимиз юксалиб қудратли кучга айланди. Сабзавотчилик ҳам, чорвачилик ҳам, боғдорчилик ҳам ривожланди. Илгариги «Ўзбекистон», «Еш ленинчи», Калинин номли, «Авангард» каби етти колхоз бирлашиб экин майдонимиз 1100 гектарга етказилди. Чорва молларини боқадиган 7 минг гектарга яқин кенг яйловимиз бор. МТС ихтиёридан барча зарур техникани сотиб олганмиз. Эндиликда ниманики орзу қилсак, ўз олдимизга ниманики мақсад қилиб қўйсак, уни тўла амалга ошириш учун барча имконият мавжуд.

1951 йилда бор-йўғи 200 бош қорамолимиз бор эди. 1959 йилга келиб, уларнинг сони 470 бошга етказилди. 175 бош соғин сигирга эгамиз. Саккиз йил илгари ҳар бош соғин сигирдан 800 литрдан сут соғиб олган бўлсак ўтган йили 2700 литрдан сут соғиб олишга эришдик. 3 минг бош қўйимиз эндиликда 10 минг бошга етказилди. Ўтган йили фақат боғдорчиликнинг ўзидан 1 миллион сўмга яқин даромад қилдик.

Жонажон партиямиз XXI съезди бизнинг олдимизга аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашдек шарафли вазифани қўйди. Колхозимиз аъзолари бу вазифани бажариш учун астойдил бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар. Ҳар гектар ердан 150 центнердан картошка, 250 центнердан карам, 280 центнердан помидор, 270 центнердан полиз экинлари маҳсулоти етиштириш учун курашмоқдамиз.

Колхозимизда ҳосилдорлик ошган сари, чорва маҳсулотлари кўпайтирилаётган сари ҳаётимиз ҳам шунчалик фаровонлашиб бормоқда. Қишлоқларимизнинг файзига файз қўшилаяпти. 750 хўжалигимиздан 650 таси янги—данг иллама уйларга кўчиб чиқишган. Учта ўрта, 2 та етти йиллик ва бошланғич мактаб, 800 киши сиғадиган хашаматли клуб, ёзги кинотеатр бинолари қад кўтариб турибди. 15 қойкалик касалхона, амбулатория, аптека, туғруқхона колхозчиларимизга хизмат қилмоқда. Илгари тизза бўйи лой кечиб юриладиган қатта йўл энди асфальтли магистраль йўлга айланди. Колхозимиз территориясида республика қишлоқ хўжалиги ва саноати виставкаси барпо қилинмоқда. Иккита теплица комбинатимиз бор, қишлоғимиз ёппасига электрлаштирилган, ҳар бир хонадонда радиоприёмник сўзлаб турибди. Биз ўз қишлоғимиздан етишиб чиққан 150 олий маълумотли, 400 дан ортиқ ўрта маълумотли кадрларимиз билан фахрланамиз. Улар коммунизм қуриш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммасига улуғ доҳимиз Ленининнинг азми, жонажон партиямизнинг ғамхўрлиги ва олижаноб раҳбарлиги туфайли эришмоқдамиз.

Хожнакбар ОТАЖОНОВ,
Калинин районидаги Ленин номли колхознинг раиси.

Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантиришга доир Ленин имзолаган ҳужжатлар

Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси йилларида партия ва ҳукумат, шахсан В. И. Ленин Туркистонда пахтачиликни тиклаш, унинг хўжалик ва маданий қолоқлигини тугатиш тўғрисида ғоят катта ғамхўрлик кўрсатдилар. Совет ҳукуматининг декрети билан пахтани харид қилиш ва тайёрлашга давлат монополияси ўрнатилди. Пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришда деҳқонларга енгилликлар ва ёрдам берилди.

1918 йил 17 майда В. И. Ленин РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги декретини имзолади. Декретда: а) Мирзачўл ерларидан 500 минг десятинасини суғориш ва 40 минг десятина ерни ўз ичига олган Далварзин даштларидаги ирригация системасини бош иншоотлар билан таъминлаш; б) Фарғона областининг Учқўрғон даштларидаги 10 минг десятинани суғориш ва 20 минг десятина майдонда сувдан фойдаланишни тартибга келтириш; в) пахта экиш учун Зарафшон дарёсининг оқишини тартибга келтириш йўли билан 100 минг десятинага яқин майдонни пахта экиш учун ажратиш мақсадида дарёнинг Дупулин кўприги ёнида сув омбори қуриш; г) Чу дарёси водисида ирригация системаларини қуришни тугаллаш кўзда тутилган эди.

Бу ишларни амалга ошириш мақсадида Туркистонда ирригация ишларининг махсус бошқармаси таъсис этилди.

Улуғ Ленининнинг гениал васиятлари амалга ошмоқда. КПСС XXI съезди томонидан тасдиқланган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларида Ўзбекистон ССР бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади дейилган. Етти йил мобайнида республикамизда пахтачилик эҳтиёжларига хизмат қиладиган машинасозлик янада ривожлантирилади. 1965 йилга келиб, 1958 йилга нисбатан пахта етиштиришни 1,2-1,3 баравар кўпайтирилади.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ва Озарбайжон республикаларида пахтачиликни тиклаш тўғрисида 1920 йил 2 ва 27 ноябрда чиқарган қарорлари Туркистон республикасининг халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришда катта роль ўйнади. Бу қарорларни В. И. Ленин имзолаган эди. Қарорларда пахтачилик хўжаликларини тезда қишлоқ хўжалик инвентарлари, ўғит, уруглик билан таъминлаш, пахтакорлар учун катта енгилликлар яратиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг В. И. Ленин томонидан имзоланган тарихий қарорлари Туркистон республикасида пахтачиликни тиклашда, Ўрта Осиёдаги Совет республикаларини индустриал-колхозлашган илғор социалистик республикаларга айлантиришда ғоят катта роль ўйнади. Эндиликда партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети, республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ўзбек халқи бу йил она-Ватанга 3 миллион 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

БИР МАКТУБНИНГ ТАРИХИ

1923 йилда қўқонлик икки нақшкор уста Юнусов ва Ҳайдаровга биринчи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ва кустарь-ҳунармандчилик виставкаси учун ёғочга нақш солиб мебель тайёрлаш топширилган эди. Нақшкор усталар зўр кўтаринки руҳда ишладилар. Улар мебелларнинг бир комплектини В. И. Ленинга совга қилмоқчи эдилар. Усталар ёғочдан ясалган нақшли стол ва табуреткалар ясадилар. Совгада: «Шарқ халқларининг доҳиси В. И. Ленинга» деган сўзлар моҳирлик билан ўйиб ёзилган эди. Юнусов ва Ҳайдаров экспонатларни Москвага ўзлари олиб бордилар. Уларга иккинчи даражали диплом берилди. В. И. Ленин виставкани бориб кўрди. Юнусов ва Ҳайдаров қандай қилиб бўлса ҳам Ленин билан учрашмоқчи эдилар. Лекин удар учраша олмадилар, чунки Владимир Ильичнинг саломатлиги ёмонлашиб қолган эди. Ильичнинг топшириғига мувофиқ, Мария Ильинична Ульянова қўқонлик усталарга мактуб ёзиб юборди. Мактубда бундай дейилади:

«Қўзибой Юнусов ва Қодиржон Ҳайдаров ўртоқларга!

Азиз ўртоқлар!

Саломингиз ва совгангиз ҳамда ишда муваффақиятлар тилагандигингиз учун Сизга Владимир Ильич ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиришни менга топширди.

Аминманки, Ильич соғ бўлганида сизлар билан Туркистон ҳунармандларининг турмуши ва меҳнат шароитлари тўғрисида бажону дил гаплашган бўлур эди. Афсуски, бу гаплашишни у соғайгунгача қолдириб туришга тўғри келади, у эса албатта тез вақт ичида соғаяди.

Азиз ўртоқлар, сизларга самимий салом йўллайман. 23.10. 1923 йил.

Мария Ульянова».

Қўқондаги ҳунармандчилик корхоналарининг цехларида бу мактуб эҳтиёт билан 30 йил давомида сақланди. Ҳозир у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг адабиёт музейида турибди.

В. И. Ленин Қозон университетида ўқиб, революцион фаолиятининг илк қадамларини шу ердан бошлаган эди. Ҳозир Қозон университети В. И. Ульянов — Ленин номида. Ленин ҳуқуқ факультетининг студенти вақтида лекция тинглаган хона ҳозир музей. Бу ерга мингларча ёшлар келиб, В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан танишмоқдалар. В. И. Ленин музей-хонасидаги экспонатлар студент ва ёшларни ленинча ўқиш ва ленинча яшашга ўргатади.

Устозимиз, йўлбошчимиз Ильични эслангиз, севингиз, ўрганингиз.

Ички ва ташқи душманларни Ильич кўрсатганидек уриб енгингиз.

Ильич кўрсатганидек янги ҳаёт, янги турмуш, янги маданият қурингиз.

Ҳеч вақт ишда майда нарсадан қўл тортмангиз, чунки майдадан катта нарса қурилади, — Ильичнинг муҳим васиятларидан бири ана шу.

И. СТАЛИН.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЪЕЗДИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Гулдурос, давомли қарсаклар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиси Марказий Комитетининг Президиуми съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Съезднинг иш органлари — секретариат, мандат комиссияси ва редакцион комиссияси тасдиқланади, регламент белгиланади.

Қуйидаги кун тартиби бир овоздан қабул қилинади:

1. КПСС XXI съезди қарорлари муносабати билан Ўзбекистон журналистларининг вазифалари.
2. СССР Журналистлар Союзи Уставининг проекти тўғрисида.
3. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесини сайлаш.
4. Ўзбекистон Журналистлар союзи ревизия комиссиясини сайлаш.
5. СССР журналистларининг биринчи съездига делегатлар сайлаш.

Делегатлар ва меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съезд номига юборган табриғини самимий кутиб оладилар. Табрикни Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари М. А. Абдураззоқов ўқиб эшиттирди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан доклад учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари З. Р. Раҳимбобоевага сўз берилади.

Докладчи коммунистик қурилиш соҳасида КПСС XXI съезди чизиб берган улуғвор программа ҳақида, бошланган етти йилликда Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган катта ва масъулиятли вазифалар тўғрисида гапиради. Оммани коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ҳозирги босқичда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Партиянинг қудратли ғоявий қуроли бўлган матбуот идеология соҳасидаги ишда жуда катта роль ўйнаши лозим.

Ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш асосида Ўзбекистонда вақтли матбуот жуда тез ривожланди. Ҳозирги вақтда республикада турли тилларда 335 газета, 56 журнал ва бюллетень нашр этилмоқда. Кейинги вақтларда газета ва журналларнинг савиясини ошириш йўлида кўп иш қилинди. Газеталар турмуш тақозо қиладиган энг зарур масалаларни дадил илгари сурмоқдалар, катта халқ хўжалик аҳамиятга эга бўлган проблемаларни кўтармоқдалар.

КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини ёрқин ва чуқур пропаганда қилиш, бу қарорларнинг қандай амалга оширилаётганлигини кўрсатиб бериш ҳозирги вақтда матбуотимизнинг энг асосий вазифаси, деб таъкидлайди докладчи. Газеталар оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишини кучайтиришда партия ташкилотларига бутун чоралар билан ёрдам беришлари лозим.

Совет матбуоти халқ билан ўзининг чамбарчас боғланганлиги туфайли кучлидир. Ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатига раҳбарликни тинмай яхшилаш зарур. Ишчилардан, колхозчилардан, зиёлилардан олинадиган материалларга матбуот саҳифаларида кенг йўл очиб бериш керак. Журналистлар танқид ва ўзўзини танқидни кенг авж олдиришлари, эскиликка, бюрократизмга қарши муросасиз кураш олиб боришлари, эзлон қилинадиган ҳар бир материалнинг таъсири бўлишига эришишлари лозим.

Ўзбекистон Журналистлар союзининг ташкил этилиши республиканинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитетининг совет матбуотини ривожлантириш тўғрисида ғоят катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Журналистлар союзи Ташкилот бюросининг раиси И. А. Раҳимов доклад қилди. Республика журналистларининг бўлиб ўтган йиғилишлари ва конференцияларида, деди у, янги ижодий ташкилот Уставининг лойиҳасидаги асосий принциплар якдиллик билан маъқулланди. Бу ҳужжатнинг айрим бобларига Союз аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлайдиган тузатиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўртоқ Раҳимов Ташкилот бюросининг фаолияти тўғрисида гапирди, редакция коллективларида ижодий ишларни кучайтиришга қаратилган бир қанча тилаклар айтди.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Съезд делегатлари ўз нутқларида иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар, Журналистлар союзининг ташкил қилиниши КПСС XXI съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда матбуот, радио ва телевидение ходимларининг активлигини янада оширишга ёрдам беради, деб таъкидладилар.

Журналистлар союзи Тошкент область бўлими бюросининг раиси З. И. Есенбоев шу бўлимнинг фаолияти тўғрисида гапирди.

Нотиқ Ўзбекистон Журналистлар союзи Ташкилот бюросининг ижодий масалаларга, матбуот ходимларининг профессионал маҳоратини оширишга етарлик эътибор бермаганлиги учун танқид қилади. Ишни шундай йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдирки, ҳар бир журналист яхши ёзишни билибгина қолмай, стенографияни, фото ишини ҳам эгалласин, магнитофон билан ишлашни, автомашина ҳайдашни билсин, чет тилларни ўргансин. Тошкентда Журналистлар уйини барпо қилиш вақти келди.

Ўртоқ Есенбоев, жумладан, кўп йиллардан берли ишлаб келаётган журналистларга баъзи бир қулайликлар туғдириш зарур, деган фикрни айтди. Журналистларнинг меҳнатига ҳурматсизлик билан қараш фактларига йўл қўйилмаслиги керак.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг очеркисти Й. Шамшаров, Союзнинг Самарқанд бўлими бюроси раиси Л. Ҳ. Ҳамроев ва Сурхондарё область «Ленин байроғи» газетасининг редактори Т. Габидов совет журналистининг фахрли бурчи ҳақида, партия ва халқнинг журналистлар олдига қўйган юксак талаблари тўғрисида гапирдилар. Журналистларнинг билимларини бутун чоралар билан ошириш, уларга ҳаётни чуқур ўрганишда, ўз малакаларини оширишда ёрдам бериш Союзнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун ўқишнинг ҳар хил формаларидан фойдаланиш, энг яхши редакция коллективларининг илғор тажрибасини ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур.

Газета ишининг ёш мутахассисларини тайёрлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бу мутахассислар иккита олий ўқув юртида тайёрланмоқда. Бироқ, олий ўқув юртлари баъзан етарлик даражада меҳнат малакаларига эга бўлмаган бўш ходимларни чиқармоқдалар. Журналистика факультетларига қабул қилишни тартибга солиш, қабулни Союзнинг актив иштироки билан ўтказиш, студентларнинг самарали практикасини ташкил қилиш керак. Янгиерда чиқадиган «Ленинское знамя» шаҳар газетасининг редактори Л. В. Бабин газеталар учун ёш кадрлар тайёрлаш тўғрисида батафсил гапирди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси, дейдилар Ўртоқ Ҳамроев ва Союзнинг Андижон область бўлими бюроси раиси М. Раҳимов, редакция коллективларида ишни ташкил қилиш билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал этишга маълум даражада таъсир ўтказиши лозим. Союз редакцияларнинг штат рўйхатидаги шаблонни йўқотишга ҳам эътибор бериши, жойлардаги газета ходимларига ижодий командировка берилиши ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Ҳамид Ғулом съезд қатнашчиларини республика адиблари номидан табриклайди.

Съезд делегатларидан Союзнинг Хоразм ва Фарғона область бўлимлари бюро раислари Э. Раҳимов ва А. Ҳамдамов омма ўртасида олиб борилаётган агитация-пропаганда ишларига доир масалаларни матбуотда систематик ва яхши ёритиб бориш зарурлигига эътиборни жалб этилар. Бу область газеталарининг редакциялари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида илгари докладида илгари сурилган назарий қоидаларни тушунтириб берадиган бир неча пропагандистик мақолаларни босиб чиқардилар. Бироқ, бу соҳада биринчи қадам қўйилди, холос. Съезднинг тарихий қарорларини кенг пропаганда қилиш, мамлакат, республика, область халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришнинг улуғвор перспективаларини ёрқин кўрсатиб бериш учун газета ишидаги жуда хилма-хил формалар ва методларнинг ҳаммасидан фойдаланиш, меҳнаткашларни катта ишларга даъват этадиган, уларни илғор тажриба билан қуроллантирадиган материалларни чиқариб туриш керак. Бу материалларни ёзишга партия ва совет раҳбар ходимларини жалб этиш зарур. Газетхонлар коммунизм қурувчи совет кишисининг бой маънавий дунёсини акс эттирадиган мазмундор материалларни кутмоқдалар.

Ўртоқ Ҳамдамов Союз аъзолигига кирган бўлсалар ҳам, ишда ўзларига нисбатан талабчанликни ошмаган айрим журналистларни танқид қилади. У, Ўзбекистон Телеграф агентлиги область редакциясининг ходимлари томонидан тайёрланган баъзи материалларни мисол қилиб кўрсатади.

Союзнинг Наманган бўлими бюроси раиси С. Тиллаев ва «Кашка-Дарьинская правда» газетасининг редактори Г. С. Тульшин ўз сўзларида газеталарнинг пропаганда ишидаги ролини оширишга доир бир қанча амалий масалаларни илгари сурдилар. Иккала нотиқ ҳам, жумладан, матбуотнинг илмий-атеистик пропагандани ривожлантиришдаги вазифаларига тўхталиб ўтдилар.

Съезд Мандат комиссиясининг докладини тинглади. Бу ҳақда комиссиянинг раиси П. И. Савчук доклад қилди.

Мандат комиссияси ҳамма делегатларнинг ваколатларини тўғри деб топди.

Республиканинг энг кекса журналистларидан бири Р. К. Абдураҳмонов Ўзбекистонда совет матбуотининг ривожланиши шонли тарихидан эпизодларни эсга туширади. Социалистик қурилишнинг барча босқичларида республика журналистлари халқ орасида бўлиб, партияга ёрдам бериб келдилар. Газета ходимларининг меҳнати оғир, аммо, олижанобдир. Матбуотнинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган энг кўп хизмат кўрсатган ходимларини тақдирлашга тақдим этиш тўғри бўлур эди.

«Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник ўз сўзида КПСС XXI съезди қарорлари пропагандасини кучайтиришнинг амалий чораларига батафсил тўхталади.

КПСС XXI съезди томонидан матбуот олдига қўйилган катта вазифаларни ҳал этишда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг роли ғоят катта. Авторлар активи билан ишлаш — совет демократиясини ривожлантириш формаларидан биридир. Газеталарнинг ишчи ва қишлоқ мухбирлари билан алоқаси тобора маҳкам ва амалий бўлиши лозим. Газета редакциялари машиналарни қишлоқ хўжалигига жорий қилиш, пахта далаларида терим ишларини машиналаштириш йўлида қилинаётган ҳамма ишлардан хабардор бўлиб туришлари лозим.

Ўртоқ Черник партия турмуши ва совет қурилишига доир масалаларни, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ишини ёритишга етарли баҳо берилмаётганлигини хато деб ҳисоблайди. Район газеталарига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг савиясини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

СССР Журналистлар союзининг Ташкилот бюроси номидан Ташкилот бюросининг аъзоси, «Красная звезда» газетаси бош редакторининг ўринбосари А. Я. Баев съезд делегатларини табриклайди.

Ўртоқ Баев СССР Журналистлар союзи Ташкилот бюросининг фаолияти ва янги ижодий ташкилотнинг Бутуниттифоқ биринчи съездига тайёргарлик тўғрисида гапириб, Союз ўз фаолиятини активлаштириш учун ғоят катта имкониятларга эга эканлигини таъкидлайди. Совет журналистикасининг тажрибаси тўғрисида ҳафталик газета, китоб ва брошюралар чиқарадиган махсус нашриёт ташкил қилиш мўлжалланади. Союз раҳбар органининг иш планида газета кадрларининг ижодий ўсишига доир масалалар, журналистларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатига раҳбарликни кучайтириш, чет эллардаги қардош ташкилотлар билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўзда тутилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитети раисининг ўринбосари И. Ў. Ўктамов съезд қатнашчиларини республика радио ва телевидение ходимлари катта коллективининг ижодий планлари билан таништиради. Нотиқ Ўзбекистон Журналистлар союзининг сайланадиган правлениеси радио журналистларининг фаолиятига доир специфик масалаларни ҳал қила оладиган алоҳида ижодий секция тузиши зарур, деб ҳисоблайди.

Газета редакцияларининг ишини яхшилаш учун полиграфия базасини тўхтовсиз такомиллаштириш талаб қилинади. Союзнинг Бухоро область бўлими бюроси раиси Й. Муқимов бу ҳақда гапириб, республика область ва район марказларидаги босмахоналарнинг ишини яхши ташкил қилиш, босмахоналарни замонавий техника билан таъминлаш учун ҳали етарлик иш қилинмаганлигини кўрсатадиган бир қанча мисоллар келтирди.

Союзнинг Қорақалпоғистон бўлими правлениеси секретари Р. И. Қосимов автоном республикада матбуотнинг ривожланиши қорақалпоқ халқи маданиятининг умумий ўсишини кўрсатувчи ёрқин далиллардан биридир, деб таъкидлайди. Ўртоқ Қосимов Қорақалпоғистон журналистлари номидан СССР Журналистлар союзи уставининг лойиҳасига бир қанча таклифлар киритди.

«Рабочий-крестьянский корреспондент» журнали редакциясининг бўлим мудири А. С. Кирюшин минбарга чиқади. У, съезд делегатларига журналнинг редакцион коллегияси номидан салом топшириб, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ҳаракатини янада ривожлантириш ишида редакция ходимлари ва Журналистлар союзи аъзолари олдида катта вазифалар турганлигини таъкидлади.

Съезд делегати П. В. Агапов ҳарбий ва граждан журналистларининг ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш вазифалари ҳақида гапирди.

Шу билан музокаралар тамом бўлди.

Съезд муҳокама қилинган докладлар юзасидан резолюциялар қабул қилади ва сўнгра ташкилий масалаларни кўришга киришади.

Яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ва ревизия комиссияси, СССР Журналистлар союзининг биринчи съездиги делегатлар сайланади.

21 апрелда Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг биринчи ташкилий мажлиси бўлди. М. Абдираимов, Р. К. Абдураҳмонов, З. И. Есенбоев, У. Иброҳимов, А. Исмоилов, А. Йўлатов, И. А. Раҳимов, П. И. Савчук, Р. С. Соҳибоев, Қ. Узоқов, А. Ҳакимов, С. С. Черник, Ҳ. Ёдгоровлардан иборат составда президиум сайланди.

Союз правлениесининг раиси қилиб И. А. Раҳимов, раис ўринбосарлари қилиб С. С. Черник ва Р. С. Соҳибоев, секретарь қилиб Р. К. Абдураҳмонов сайланди.

Ревизия комиссиясининг мажлисида комиссия раиси қилиб Ж. А. Азизхонов сайланди. (ЎзТАГ).

ЧИГИТ ЭКИШНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТАМОМЛАБ, ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

Пахта далаларидан хуш хабарлар

Шу неча-кундузда Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз пахта далаларида бўлган нишининг баҳри-дили очилади. Эрта кўкламдан чигит экишга пухта тайёргарлик кўрган ва ҳозирги кунда барча майдонларда чигитни бир текис ундириб олган колхоз аъзолари ғўза парваришини ёппасига бошлаб юбордилар. 3000 гектардан 905 гектар ердаги ғўзага икки томонлама ишлов берилмоқда.

Райондаги Сталин номли колхозда 1300, Киров номли колхозда 1173 гектар ерга чигит экиб тамомланди. Ҳар иккала колхозда квадрат-уялаб чигит экиш плани ортиғи билан бажарилди. Ана шу илғор колхозлар пахтакорларидан ўрнак олган Энгельс номли, Свердлов номли, «Коммунизм», Жданов номли колхозларда ҳам чигит экиш сифатли тамомланиб, ғўзанинг биринчи цикл парвариши бошланди.

Кеча Бекобод ва Чиноз районлари пахта далаларидан ҳам хушхабарлар олинди. Бекобод районидаги йириклашган «Победа» колхози аъзолари бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни ўтган йилгига нисбатан камида 2—3 центнерга ошириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ана шу аҳднинг уддасидан чиқиш учун мўл ҳосилга ҳозирдан бошлаб пухта пойдевор қурдилар. 1260 гектар ерга чигит экиб тамомланди. Колхоз пахтакорлари квадрат-уялаб чигит экишга ва етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдами билан териб олишга катта эътибор бердилар. Ана шу мақсад билан пландаги 600 ўрнига 615 гектар ерга режа симлари тортиб чигит экилди.

Чиноз районидаги Свердлов номли, «Коммунизм» колхозларининг азамат кишилари қолоқликдан чиқиш, илғор колхозларга тенглашиб олиш мақсадида мўл ҳосил етиштириш учун астойдил бел боғлаб меҳнат қилишяпти. Кеча ҳар иккала колхозда ҳам чигит экиб бўлинди. Районнинг энг йирик «XXI партсъезд» колхозидан ҳам хушхабар келди. 1666 гектар ерга чигит экилибди, шундан 706 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилганлиги айниқса қувончлидир.

Редакциямизга ҳар куни чигит экиш илғорлари, ғўза парваришини бошлаб юборган колхоз ва совхозлар ҳақида ана шундай хушхабарлар келиб турибди.

Областимиз бўйича чигит экишни 2—3 кун ичида сифатли тамомлашни таъминлаш учун ва барча майдонларда ғўза парваришини қизғин давом эттириш учун астойдил бел боғлаб курашайлик.

ҒАНИШЕР АКА БИЛАН БЕЛЛАШАМИЗ

Қўшни колхоздаги илғор бригада бошлиғи Ғанишер Юнусов 50 центнерчилар ҳаракатини бошлаб бергандан кейин биз ўзимизда бор имкониятларни яна бир марта ҳисоблаб чиқдик. Қарасак, кучимиз етарли, ериміз тоза, шунинг учун биз ҳам ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдик.

Бригадамизда 146 гектар ер бор. Бунинг 95 гектарига чигит, 15 гектарига маккажўхори экдик. 36 гектар ерда беда ўстирамиз.

М. СУЛТОНОВ.

Гапнинг очиғини айтганда, илғорилари машинада теришдан чўчиб келдик. Энди ўйлаб қарасак, чакки қилган эканмиз. Мана шу йил бригадамиздагина эмас, бутун колхозимизда ҳамма майдонга чигитни квадрат-уялаб экдик. Оддий усулдан бутунлай воз кечдик.

Бригадамизда ўтган йили ҳам 95 гектар ерга чигит экилган эди. Йил бошидан мўл ҳосил етиштирамиз, деб астойдил иш бошладик. Аммо йил давомида 2-3 хатога йўл қўйдик. Биринчиси шуки, чигит кеч экилди. Кейин ғўзани яганалаш вақтида кўзимиз қиймай, айрим уяларда 3 тадан кўчат қолдирдик. Бундан бир зарар кўрдик. Август ойига борганда, ҳар туп ғўзада йиғилган ҳосилни кўриб, камида 40 центнердан ҳосил оламиз, деб қувондик-да, 10-12 кун ишни бўшаштириб юбордик, тўй-тўйлашдик. Ғўзани ғовлатиб юбордик. Шу билан яна бир марта зарар кўрдик. Агар бу ишлар ҳам кўнгилдагидек ўтказилганда, ҳар гектар ердан 40-42 центнердан ҳосил йиғиб олиш мумкин эди.

Бизда алмашлаб экиш қонун тусига кирган. Шунинг учун ишдан чиқиб қолган ерларимиз йўқ. Ҳаммаси семиз, ҳосилдор. Бригадамиз аъзолари йил давомида ҳар бир ишда пахтачилик илмига тўла амал қиладилар. Бу йил ҳам кузда, шудгорлаш олдидан ер ўғитланди. Экиш олдидан ҳар гектар ерга яна 250-300 килограммдан сульфат аммоний сепиб чиқилди.

Ҳозир биринчи парваришни бошлаб юбордик. Ғўзани маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантириш иши культивация билан бирга қўшиб ўтказилаяпти. Бригадамиз аъзолари 1 Май байрамигача ғўзанинг биринчи парваришини тамомлаш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

Ўтган йили ғўзамизга шира ва ўргимчаккана тушди. Ана шу зараркунандаларга ҳам ҳосилнинг камайишга сабаб бўлди. Шунинг учун бу йил қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни эрта бошладик. Карта четлари, уватлар дориланди.

Бригадамиз хўжалик ҳисобига кўчган. Шунинг учун меҳнат ва харажатларни иложи борича камайтиришга қарор қилдик. Ғўзани узунасига ва кўндаланга 4 марта сифатли культивация қилсак етади.

Июль бошларида ғўзани суперфосфат ва сульфат аммоний аралашмаси билан охирги марта озиқлантирмоқчимиз. Шундай қилсак, ғўза ғовлаб кетмайди, кўсак тўлади.

Биз ҳар йили суғоришга алоҳида аҳамият берамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда найчалар орқали суғориш қўлланилмай келаяпти. Ҳозир чим билан иш қилиш қийинчиликлар туғдираяпти. Агар колхозлар кўпроқ туника найчаларга эга бўлишса, суғоришнинг сифати анча яхшиланарди.

Бу йил 50 гектар ернинг пахтасини машинада терамиз. Бу, меҳнатни тежаш ва пахтани роса пишириб териш имконини беради.

Гапнинг қисқаси, бизда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имконият бор. Биз ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш юзасидан Ғанишер ака билан беллашамиз. Гап шу!

Мамажон СУЛТОНОВ,

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи.

Область колхоз ва совхозларида чигит, маккажўхори ва оқжўхори экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 21 апрелгача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Экилган чигитнинг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Экилган маккажўхори ва оқжўхорининг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	92,1	85,5	58,9	15,3
Боёвут	67,9	67,7	46,8	49,2
Бекобод	83,9	83,7	70,2	42,2
Бўка	80,8	61,7	104,6	26,4
Верхне-волинск	69,7	69,1	46,0	56,4
Юқори Чирчиқ	85,4	49,9	71,7	23,6
Гулистон	81,1	76,4	47,6	39,3
Мирзачўл	60,3	62,7	31,3	38,2
Қуйи Чирчиқ	97,8	103,3	66,3	55,7
Оржоникидзе	90,8	85,2	63,9	9,0
Пискент	80,3	55,0	55,9	13,2
Ўрта Чирчиқ	83,2	68,7	53,4	40,4
Сирдарё	77,9	48,6	32,7	32,7
Чиноз	88,7	74,7	41,5	18,3
Янгийўл	91,7	93,6	59,9	36,4
Бўстонлиқ	—	—	67,3	29,0
Калинин	—	—	60,2	30,9
Қорасув	—	—	50,6	82,2
Паркент	—	—	38,9	11,3
Олмалиқ шаҳри	—	—	5,7	1,8
Оҳангарон шаҳри	—	—	4,9	0,6
Янгиер шаҳри	—	—	86,1	21,0

Икки қардош халқнинг бузилмас дўстлиги

СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдамлашиш ва урушдан кейин ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланган куннинг 14 йиллигига бағишлаб, 20 апрелда Москва жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Чет эл халқлари билан дўстлик уйида олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари, Москва корхоналари ва муассасаларининг ишчи ва хизматчилари тўпландилар. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат КПСС Марказий Комитети секретари П. Н. Поспелов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, ВЦСПС раиси В. В. Гришин, СССР Славян комитетининг раиси А. С. Гундоров, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Чет мамлакатлар билан маданий алоқа Давлат комитетининг масъул ходимлари бор эди.

Йиғилишни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси Н. В. Попова қисқача кириш нутқи билан очди. У Совет—Польша шартномасининг ғоят катта аҳамиятини таъкидлаб, бу шартнома имзолангандан кейин ўтган 14 йил унга асос қилиб олинган принципларнинг тўғрилигини исботлади, деди. Шартнома мамлакатларимизнинг янги муносабатларини қайд қилиш билангина қолмай, шу билан бирга социалистик лагерни мустаҳкамлашда, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда ғоят катта роль ўйнади. У Польша Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Тадеуш Гедани ва элчихона ходимларини йиғилиш қатнашчилари номидан самимий табриклади.

Совет-Польша дўстлиги жамияти правлениесининг раиси, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов, «Парижская коммуна» фабрикасининг бичувчиси, РСФСР Олий Совети депутати Л. И. Малова, СССР Фанлар академияси славяншунослик институти директорининг ўринбосари И. А. Хренов, «Серп и молот» металлургия заводининг мастери И. Ф. Калугин ўз нутқларида совет ва поляк халқларининг турли соҳалардаги дўстлик алоқалари тўғрисида, Польша коллегалари билан бўлган унутилмас учрашувлар ҳақида гапирдилар.

Польша Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Гедэ сўзга чиққанда, йиғилиш қатнашчилари уни самимий кутиб олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Варшавага, Польша-Совет дўстлиги жамиятининг бош правлениеси номига табрик телеграммаси юбордилар.

Пировардида пойтахт санъат усталари иштирокида концерт қўйилди. (ТАСС).

Совет халқи қардош Жазоир халқини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши сессиясининг қарорига мувофиқ, 30 мартдан 7 апрелгача СССРда «Жазоир ҳафталиги» — кўп жафо чеккан ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб, мардлик билан ҳимоя қилаётган қаҳрамон Жазоир халқи билан қардошларча бирдамлик ҳафталиги ўтказилди.

Москвада, Ленинградда, иттифоқчи ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, Ўрта Осиё ва Закавказьеининг кўп шаҳар ва қишлоқларида меҳнаткашларнинг кўп кишилик митинглари ва йиғилишлари бўлиб ўтди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг чақириғича биноан, «Жазоир ҳафталиги»ни ўтказишда совет касаба союзлари, Араб Шарқи мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа жамияти, Совет хотин-қизлари комитети, СССР ёшлар ташкилотлари комитети, Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ жамияти актив иштирок этдилар.

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Жазоир меҳнаткашлари умумий бирлашмасининг секретарлари Маашу Абдилқодир ва Жилони Абмарек 1 апрелда Совет хотин-қизлари комитетида бўлдилар. Уларга Жазоир хотин-қизлари номига ёзилган мактуб топширилди.

Бу мактубда мустамлакачилар Жазоир халқининг манфур мустамлакачилик зулмига қарши курашдаги иродасини синдира олмайдилар, деб ишонч билдирилган. 2 апрелда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети аъзоларидан бир группасининг — атоқли олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари ва диний арбобларнинг хати эълон қилинди. Улар Жазоирда қон тўкилишига хотима берилишини қатъий талаб қилдилар ва эрксевар Жазоир халқининг қаҳрамонона курашини қўллаб-қувватлаганликларини айтдилар.

СССРда ўтказилган «Жазоир ҳафталиги» Совет Иттифоқи халқлари қардош Жазоир халқини унинг ўз юртида ўзи хўжайин бўлиш ҳуқуқи учун олиб бораётган адолатли курашида якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини кўрсатди. «Жазоир ҳафталиги» совет халқининг империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган барча араб халқларига бўлган самимий дўстлик туйғулари ўзгармас эканлигини кўрсатди. (ТАСС).

Телевизор экранида

22 АПРЕЛДА

19.30. «Истиқбол эгалари» тележурналининг 4-сони.
20.10. Халқаро обзор.
20.30. Навоий номли опера ва балет театридан В. И. Ленин туғилган кунининг 89 йиллигига бағишланган концерт олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида сўнгги ахборот.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Иван Александрович **Бенедиктовни** СССРнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси қилиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Пантелеймон Кондратьевич **Пономаренкони** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан СССРнинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасидан озод қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари ва майдонларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, 23/IV да **Холисхон.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23, 25/IV да янги спектакль **Демон**, 24/IV да **Маскарад.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/IV да **Азиз ва Санам**, 23/IV да **Зафар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 22/IV дан бошлаб, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Акрам Юсупов** ва бошқа қизиқчилар иштирокида **Кулги кечаси.** Программада: қизиқчилар паради, қизиқчилик тамошалари, ҳазиллар ва бошқа цирк номерлари. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«ВАТАН» — эрталаб соат 9-40 минутда янги бадиий фильм **Кўзали қиз**, кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3-серия).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Кўзали қиз**, кундуз 4-45 минутда **Милтиқли киши.**

«ФЕСТИВАЛЬ» (ёзги «Искра») — кенг экранли фильм **Булутли тонг.**

КАФАНОВ номли — **Ўғри ҳакка.**

«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун **Кўзали қиз.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Ульяновлар оиласи**, кундуз 2 дан янги бадиий фильм **Киевлик қиз** (2-серия).

«САЛЮТ» — кеч соат 8 ярим ва 10 яримда **Лауранинг қайлиғи.**

«ХИВА» — кеч соат 8 яримда **Киевлик қиз** (1 ва 2-серияси).

ФРУНЗЕ номли — кеч 9 да **Соат ярим кечада тўхтаб қолди.**

ГАЗЕТА ва ЖУРНАЛЛАРГА 1959 йилнинг иккинчи ярми учун

ОБУНА ҚИЛИШ бошланди

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, республиканинг алоқа бўлимлари ва конторларида, шунингдек уйга хат ташувчи почтальонлар томонидан ҳамда ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика, завод, колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида обуна ҳар куни соат 9 дан 19 гача, якшанба кунлари эса соат 9 дан 18 гача қабул қилинади.

Ташгордезстанциянинг **Хозрасчёт профилактик дезинфекция бўлими**

дезинфекция қилиш,

уй ҳашаротлари, пашша, каламуш ва сичқонларни қириш учун муассаса, корхона ва ташкилотлар билан

ШАРТНОМА ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

ва Тошкент шаҳри гражданларидан

ЗАЯВКА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Полиграф кўчаси, 103-уй. Телефон — 43-303, 41-114, 50-264.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 00950. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1577.